



YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚўМИТАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ
“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциясида фаол иштирок этганлиги учун**

ШАРИПОВ АБДУХАКИМЖОН ЗИЁИТДИНОВИЧ

СЕРТИФИКАТ

билан тақдирланади

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар маҳкамаси
ҳузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий
мамлакатлар билан дўстлик
алоқалари қўмитаси раиси

Р.Ж. Курбиров

Ёшлар ишлари
агентлиги
директори

А. Сатдуллаев

Ўзбекистондаги Шанхай
ҳамкорлик ташкилотининг
Халқаро дипломатияси маркази
директори

К. Софиров

Ўзбекистон
Ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши
раиси в.б.

Ш. Зайниддинов

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети ректори

И. Маджидов

“Ўзбекистон-Франция”
дўстлик жамияти
ижрочи директори

Р. Ширинова

050

17.06.2021

№



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИТ МАРКАЗИ**

“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА:
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ,
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**мавзусидаги Халқаро илмий-амалий
анжуман тўплами**

2021 йил 17 июнь

“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари // Тошкент, 2021 йил 17 июнь. – 441 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155 Фармони, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358 сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сон Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази, “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти ҳамкорлигида **“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Мазкур анжуман тўпламида юзга яқин мақолалар жамланган.

Масъул муҳаррир – Р.Х.Ширинова – фил.ф.д., профессор (ЎЗМУ)
Н.А.Шермухамедова - ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ)

Таҳрир хайъати – А.Утамурастов – ф.ф.н., профессор (ЎЗМУ)
Н.Б.Абдуллаева ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ);
О.Дж.Нишоновна ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ);
Б.Х.Жалилов – ф.ф.н., доцент (ЎЗМУ)
Қ.А.Абдурахимов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
У.А.Маҳкамов – фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
Ф.Ғ.Бозарова - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
А.Х.Холмахматов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
Ю.М.Намозова – фалсафа доктори (PhD) (ЎЗМУ)
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)
А.С.Туракулова – ўқитувчи (ЎЗМУ)
У.М.Менгликулов – ўқитувчи (ЎЗМУ)
М.Т.Хидиров – ўқитувчи (ЎЗМУ)
Б.М.Ялғашев – таянч докторант (ЎЗМУ)

Мақолаларнинг тўғри ва аниқлигига муаллифлар масъулдир.

© Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Шарипов Абдуҳакимжон

Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.н.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҒОЯСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА

*Биз яратаяётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси
эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади.*

Шавкат Мирзиёев

Истиқлолнинг муайян даврида миллий ғоя ва мафкура назарий асосларининг ишлаб чиқилганлиги ва ҳаётга татбиқ этилиши мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитетини асраш, жамият аъзоларини пировард мақсад йўлида сафарбар қилиш, уюштириш ва жипслаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўша даврда юзага келган мафкуравий бўшлиқни бунёдкор ғоялар билан тўлдириш, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, айниқса ёшларда янгича дунёқараш, миллий маънавий меросга, умуминсоний қадриятларга содиқлик, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилди.

Аммо, янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳаларида миллий ғоя таъсирчанлигини таъминлашда қатор тизимли муаммолар ҳамон мавжуд бўлиб қолмоқда.

Ушбу муаммолар глобаллашув таъсирида шиддат билан ўзгараётган дунёда миллий ўзлиқни англаш жараёнига турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда ислохотларга дахлдорлик ҳиссининг пасайишида яққол намоён бўлиши орқали сезмоқдамиз.

Геополитик жараёнларнинг моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли таҳдидларга қарши курашишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги суст. Глобал интернет тармоғи ҳамда турли ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган вайронкор ғоялар, ғаразли информациялар, иллатлар, ёшлар ахлоқини бузишга қаратилган медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган маънавий-

маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишлар тараққиётдан орқада эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти бўлган халқнинг ҳошиш иродасини, унинг орзу-интилиш ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини йўлга қўйишни, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши кераклигини назарда тутати.

Буларнинг барчаси, мамлакатимизда демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини ва эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун барча зарур имкониятлар ишга солинаётганини аңлатади.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Шу маънода, мазкур тарихий ҳужжатни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда акс этган парадигма ва стратагемаларни аҳолининг барча қатламлари қалби ва онига сингдириш муҳим вазифага айланди. Мана шу маънода олганда “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш - биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифадир”¹³⁹.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – замонавий Ўзбекистоннинг миллий ғоясидир дея оламиз. Бунда аввало, бутун мамлакат миқёсида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш устивор вазифалардан бирига айланди ва миллий ғояни давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг маънавий асосига айлантирди.

¹³⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – Б.35.

Ўз навбатида, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ушбу ислохотлар жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли, янгиланишларнинг ҳуқуқий асослари тобора чуқурлашиб ва кенгайиб, жамиятимиз тараққий этиб ва уни бошқариш тизими такомиллашиб бормоқда. Айни пайтда, одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалмоқда, давлат вазифаларининг катта қисми нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтмоқда, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеи ошиб, уларга тобора кўпроқ ҳуқуқлар берилмоқда. Ана шундай тамойиллар устивор бўлаётган ҳозирги шароитда бу борадаги тараққиёт стратегиясининг асосини “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган стратегемалар ташкил қилмоқда.

“Албатта, бундай тарбия жараёнининг йуналишлари, соҳа ва тармоқлари кўп. Лекин, менинг назаримда, унинг энг муҳим йўналиши - бу маънавий-маърифий тарбиядир.

Агар жисмоний ва жанговар тайёргарлик орқали ҳарбий хизматчилар жисмонан тобланиб, куч-қувватга тўлса, маънавий-маърифий тарбия орқали уларнинг қалби, руҳи, иродаси мустахкамланади.

Бундай тарбиянинг асосида ўзак масала бўлиб турадиган тушунча - бу миллий руҳдир. Миллий руҳ инсонда она алласи, унинг оқ сути билан бирга шаклланади, десак, тўғри бўлади”¹⁴⁰.

Миллий ғоя халқ тили, дини, этник келиб чиқиши, жинсидан қатъий назар, миллатнинг туб мақсадларини, манфаатларини ифодалаши керак. У турли хилда намоён бўладиган ҳар қандай миллий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва бошқа ғайриинсоний камситилишларга қарши ғоявий-мафкуравий тўсиқ вазифасини ўташи зарур. У фикрлар, қарашлар ранг-баранглигини инкор этмасдан, ҳар қандай мафкуравий мутаассибликка қарши тура олиши, айти пайтда тор синфий, табақавий манфаатларни ифодалашдан устундир. Шу боис у расмий давлат мафкураси, яъни мажбурий, юридик жиҳатдан жамиятдаги мавқеи кафолатланган мафкура бўлишга даъво қилмаслиги шарт.

Ушбу тамойил, бир томондан, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга, инсонни ижтимоий муносабатларнинг фаол, таъсирчан субъектига, жамият тараққиётининг мақсадига айланишига қўмаклашади. Давлат бошқарувининг авторитар бўлишини олдини олиб, унга инсонпарварлик

¹⁴⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – Б.129

руҳини бағишлайди. Миллий маҳдудликнинг, давлат бошқаруви ва назорати тоталитар бўлишининг, фуқароларга, турли жамоаларга, этник гуруҳларга нисбатан ўзбошимчалик билан сиёсат юритишнинг олдини олади. Умуминсоний идеаллар, умумбашарий меъёрларга, фуқаролик жамиятининг ривожланишига, фуқаролар ва давлатнинг, инсон ва жамиятнинг бир-бирига нисбатан ўзаро масъулиятли бўлишига асосланган муносабатларни шакллантиради.

Давлат сиёсатининг, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари фаолиятларининг оқилоналикка номувофиқлиги тараққиётни издан чиқаради, жамиятни инқирозга маҳкум этади.

Одамларнинг дарду-ташвишлари билан яшаш, давлат органларининг халққа хизмат қилиши, шахс камолотига, жамият тараққиётига хизмат қилишдан, буни ўзининг олий мақсади деб билишдан чекланмаслик миллий ғоянинг муттасил ривожланиб, ислохотларга ҳамоҳанг бўлиб боришини тақозо этади.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, тубдан янгиланаётган, сиёсий ҳаётини эркинлаштиришга жазм қилган ҳар қандай жамият маънавияти юксак, баркамол шахсни шакллантирмоғи лозим.

Ҳуқуқий демократик давлат қарор топган жойда демократик институтлар мустақил фаолият кўрсатиши учун, алоҳида шахснинг ва бутун жамиятнинг яратувчилик, ижодкорлик салоҳияти, иқтисодий ва сиёсий ташаббускорлиги юзага чиқиши учун барча зарур имкониятлар вужудга келади ва юксалиб бораверади. Бу юксалиш йўлида ҳеч қандай сунъий тўсиқ пайдо бўлмайди, мавжудлари тезгина конун доирасида бартараф қилинади.

Демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши миллий жипсликни ва умумяқдилликни тақозо этади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик авж олган, сиёсий партиялар кураши мурасага, консенсусга келмай, салбий хусусият касб этган мамлакатда ҳақиқий демократия вужудга келмайди. Демак, миллий муштараклик, жипслик мустаҳкамланиши, ҳақиқий демократия ривожланиши учун маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва шулар каби бошқа иллатлардан қутулиш, умуммиллий манфаатларни шахсий манфаатлардан устун қўя билиш, уларни ўзаро мослаштира олиш зарур. Бу жамиятда муайян маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар олиб боришни, миллий ғояни ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада миллий ғояни ривожлантириш жараёни давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг маънавий асоси сифатида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириб бориш ҳамда жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш тамойилларини амалга ошириш учун устувор аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган жамиятни барпо этишда, ўз моҳиятига кўра, турли хил иллат ва асоратларни бартараф этишда ўзини намоён этади.

Янгиланаётган миллий ғоямизнинг бу йўналиши ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Бунда аввало, бутун мамлакат миқёсида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш устивор вазифалардан бирига айланди ва миллий ғояни давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг маънавий асосига айлантирди.

Ана шу маънода, “... биз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқишимиз керак. Миллий ғояни фарзандларимиз онгига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлашимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аجدодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак. Шу маънода, «Беш ташаббус», «Обод кишлок», «Обод маҳалла» сингари янги ижтимоий ҳаракатлар замирида ҳам таълим-тарбия, юксак маънавият каби эзгу ғояларимиз мужассам»¹⁴¹

Ўз навбатида, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ушбу ислохотлар жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги тарихий нутқида алоҳида таъкидланган “Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат” – деган фикри айни ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди ва Ҳаракатлар стратегиясининг мазкур соҳадаги амалиётининг моҳиятини яққол кўрсатади.

Ушбу муҳим йўналишларни ифодалаган Ҳаракатлар стратегияси Ватанимизнинг замонавий тарихини, жамиятимизнинг тараққиёт босқичлари, бугунги кундаги устивор вазифалар моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш, ушбу миллий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини янада яққолроқ англашда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, халқимиз томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва марралар, мамлакатимизнинг барақарор тараққиёт дастурини яққол акс эттирган мазкур стратегиянинг аҳамиятини ҳар бир замондошимиз қалби ва онгига сингдириш маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишига айланиши зарурлигидан далолат беради.

¹⁴¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – Б.149

Зеро, Президентимиз таъкидлаганлирдек, “Мен ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизни бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, виждонан меҳнат қилишга чақираман. Шундагина биз халқимизнинг эзгу орзуси бўлган миллий ғоямизни амалга оширишга – миллий юксалишга эриша оламиз”.¹⁴²

¹⁴² Мирзиёев Ш. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. // <https://president.uz/uz/lists/view/4089>

Шаробутдинова Гулчехра
Фаргона вилоят ХТХҚТМОХМ катта ўқитувчиси

ҲУҚУҚ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий изланиши, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда дарсликлар муҳим аҳамият касб этади. Дарсликдан фойдаланиш йўлларида модулли таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Бугунги тарбия бу – инновация, янгича онг, янгича тафаккур ва амалий ҳаракат, демакдир.

Ёшлар тарбиясини тўғри ва илмий асосда йўлга қўймасдан туриб, хотиржам бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки, бу масала биз учун ҳаёт-мамот масаласидир” [1.179].

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш бугунги таълим тизимининг муҳим вазифасидир.

Замонавий педагогик технологиялардан ижодий фаолият таркиби сифатида фойдаланиш талабаларга тайёр билимлар берилмасдан, билимларни мустақил ўзлаштириш усулларини эгаллашни ўргатади.

Таълимнинг барча босқичларида замонавий педагогик технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бу ўқитишнинг мазмунида барча объектлар моддий олам предметларини акс эттиради. Маълумки, фанларни ўзлаштириш маъруза ва амалий машғулот дарслари орқали амалга оширилади. Амалий машғулот дарслари бўлажак касб эгасининг кўникмаларини оширади. Шунга асосланган ҳолда ҳар бир дарс мавзусининг ўзлаштириш даражасини ошириш учун алоҳида услублардан фойдаланиш мумкин. Дарс жараёнида қўлланилаётган интерфаол усуллар турли мақсадларда қўлланилади. Улар ёрдамида фан ёки мавзу буйича бирор бир муаммо ечимини топиш учун шу муаммони ўрганиш, унинг ечим йўналишларини аниқлаш ва улардан бирини (мақбулини) танлаб олиш, ўтилган мавзунини ёдда сақлаш учун саволлар ёрдамида такрорлаб олиш, аввал ўтилган мавзулар билан солиштириш, билимларни тизимлаштириш каби вазифалар амалга оширилади. Масалан, “График организаторлар” ўқувчи-ёшлар фикрини фаоллаштиради, дарс мавзуларини ўзаро боғлаш ва ўхшаш томонлари ҳамда фарқлари ҳақида мустақил мушоҳада юритишни ўргатади. Ҳозирги кунда

Sobirova Umidaxon. Ta'lim tizimiga innovatsion yondashuv omillari.....	286
Тилавов Ўктамжон. Экологик партияларнинг халқаро муносабатларини ривожлантириш: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асослари.....	290
Tashmetov Tuxtasin. Globallashuv sharoitida milliy g'oyaning samaradorligini oshirish mexanizmlari.....	295
Toshtemirova Oysanam. The role of national values in raising the spirituality of youth.....	299
Tuychiev Berdikul, Seitov Azamat. Foreign experience in innovative development of science.....	303
Тўрабоева Яйраҳон. Ёшлар миллий маънавиятини юксалтиришда зиёратгоҳларнинг ўрни: “Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи” мисолида.....	306
Utamurodov Akbar, Abdrimov Muhiddin. Insoniyat uchun eng yaxshi va katta o'zgarish – ta'limga kiritilgan o'zgarishdir.....	311
Файзуллаева Масъуда. Миллий тикланиш маънавий таҳдидларни бартараф этиш омили.....	314
Xayrullayeva Maftuna. Janubiy Koreya, Singapur, Malayziya davlatlarida ta'lim tizimi, o'qitish uslublari, farqi va muammolari.....	317
Холбеков А.Ж., Хамзаев Б.И. Таълим жараёнида рақобатбардош мутахассисни шакллантириш – устувор вазифа.....	323
Ҳожиева Гулчехра. Санъат терминларини ўргатишда замонавий педагогик технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари.....	328
Холмуминова Ойгул. Ўқувчиларга шарқ мутафаккирлари меросидан фойдаланиб экологик-ҳуқуқий тарбия беришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг тарихийлиги.....	335
Ҳомиджонов Умиджон. Антик давр ғарб файласуфларининг асарларида инсон капиталининг ривожлантиришнинг долзарб масалари.....	342
Хосилмуродов Ислон. Миллий менталитетда ижтимоий характернинг аҳамияти.....	346
Xudoyberdiyeva Anora. Milliy ma'naviyatni rivojlantirish hamda yoshlarga ijtimoiy hamkorlik va ijtimoiy stratifikatsiya tushunchalarini tushuntirishshda ijtimoiy- gumanitar fanlarning o'rni.....	349
Худайназаров Олимжон. Ёшларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришнинг айрим омиллари.....	352
Худайназаров Самад, Бердикулова Сурайё. Экологик муаммоларни ҳал қилишда этномаданий кадрятларни ўрни.....	359
Sharipova Ravshanoy. Mahmudxo'ja Behbudiy asarlari va hayotida ma'rifat masalasi.....	366
Шарипов Абдуҳакимжон. Ҳаракатлар стратегияси – Янги Ўзбекистон миллий ғоясининг методологик асоси сифатида.....	370
